



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Харид комиссиясининг раиси, Нурафшон
шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ООСБ
бошлиғи**

К.Султонов

2022 йил

**2022 йилда Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
бююртмачилигида жорий ва мукамал таъмирлаш бўйича ўтказиладиган қиймати бир
шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши
таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш орқали, танлаш бўйича
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ
(РЕГЛАМЕНТ)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ўЗҚ-684-сон Қонунини талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси коллегиял орган ва Энг яхши таклифларни танлашнинг асосий қатнашчиси (*Энг яхши таклифларни танлаш савдоларини ўтказиш жараёнининг доимий ёки вақтинчалик органи*) ҳисобланиб, бююртмачи (*инвестор*) томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланади, Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишга ваколатлидир.

1.3. Мазкур харид комиссияси Нурафшон шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил “___” _____ даги _____-сон буйруғи билан тасдиқланган.

II. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

2.1. Энг яхши таклифларни танлашни танлаш комиссиясининг дастлабки йиғилиши Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

- Энг яхши таклифларни танлаш ва қатнашчиларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини, таклифни жойлаш шартлари ва талабларини;
- Таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;
- Энг яхши таклифларни танлашда қатнашишга бююртманомаларни таъминлаш шаклини;
- Таклифларни қабул қилишнинг муддатини, таклифларни кўриб чиқиш муддатини, бунда махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кам бўлмаслиги шарт.

2.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 1-иловада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайси бир Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисига устунлик берувчи Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси барча объектларни Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ таклифларни ўрганади, текширади ва кўриб чиқали, Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади.

2.6. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ҳар бир объект бўйича комиссия раиси ва иштирок этган барча комиссия аъзолари томонидан электрон имзо орқали тасдиқланадиган баённомалар юритилади.

III. МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ, ТАРКИБИНИ КўРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ.

3.1. Барча таклифлар харид комиссияси томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Малакавий ҳужжатлар ва уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг молиявий таклифлари инobatга олинмайди.

3.3. Малакавий ҳужжатлар тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси қатнашчиларнинг малака кўрсаткичларини баҳолашда барча комиссия аъзолари алоҳида, шу билан бирга гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар берилади.

3.6. Малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади.

3.7. Агар қатнашчининг таклифи кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, ҳарид комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир таклифнинг кейинги босқичларга ўтиши учун Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси 60 балл ва ундан юқори балл тўплаши керак, ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа ҳулоса ва қарорлари овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

IV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАР, ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, БАҲОЛАШ ВА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ.

4.1. Молиявий таклифлар Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Молиявий таклифлар, уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак;

- Арифметик хатолар текширилади.

4.2. Молиявий таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

4.3. Энг мақбул таклиф қилган нарҳи бўйича қатнашчи Энг юқори балл 35 балл, бажариш муддати буюртмачи белгиланган муддатга мос ёки ундан кам бўлса 5 балл билан баҳоланади, қолган иштирокчиларнинг баллари интерполяция усулида аниқланади.

4.4. Таклифларда таклиф этилган нарҳни ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш тақиқланади.

4.5. Савдолар туридан қатъий назар, Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси ғолибларини Энг кўп рақобатли нарҳлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда Энг яхши таклифларни танлаш шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

4.6. Ҳарид комиссиясининг овоз бериш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.7. Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлаш бўйича ҳарид комиссиясининг қарори маҳсуе ахборот порталида эълон қилинади.

4.8. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади. Энг яхши таклифларни танлаш тартибида келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси, Энг яхши таклифларни танлаш бошқа қатнашчиларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ва қарорлар юзасидан шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи	Баллар миқдори	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари		
I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.					
1 ва 3-шакл (19 балл)					
1.	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли курилишда иш тажрибасига эга бўлган мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	4			
2.	3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошлиқлари ва мастерлар, ҳар бир ходим учун 1.5 балл)	3			
3.	Ишлаб чиқариш техника бўлимида иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши мавжудлиги.	3			
4.	Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакали ишчилар мавжудлиги.	3			
5.	Ишчи ходимларни йиллик ўртача сони 10 кишидан кам эмаслиги.	3			
6.	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник ҳавфсизлик ходимларидан 1 киши мавжудлиги.	3			
II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи.					
2 ва 4-шакл (34 балл)					
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн.сўм ва ундан кўп.	6			
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги.	6			
3.	Охириги йилди 100 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлагунга қадар) мавжудлиги.	5			
4.	Иш ҳақи фонди 150 млн. сўм ва ундан юқори.	4			
5.	Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп.	4			
6.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп.	3			
7.	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нарҳининг 20% миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).	6			
III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси*					
3-шакл (25 балл)					
1.	Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-буюртмачи бошланғич нарҳининг 50%) сўмлик ва ундан кўп (ҳар бир йил 2 балл билан баҳоланади).	15			
2.	Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.	10			
IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари (машина ва механизмлар) рўйхати, 5-шакл (20 балл)					
1.	Лойиҳа бажариш учун зарур бўлган, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг	20			

	шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларни мавжудлиги (ижара шартномаси асосида қурилиш техникаларининг баллари 15% камайтирилади)				
V. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл 1-илова (2 балл)					
1.	Қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги	1			
	Объектни жамланма жадвали	1			

Харид комиссияси раиси:

Нурафшон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ООСБ бошлиғи

К.Султонов

Харид комиссияси аъзолари:

Нурафшон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бош муҳандиси (котиб)

С.Мирзабеков

Нурафшон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси кадрлар б-ча бош мутахассис

Ш.Исламова

Нурафшон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ОСБ муҳандиси


А.Абдужамиллов

Нурафшон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси иқтисодчиси

М.Мирзабаева

Нурафшон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси омбор мудири

Т.Садиков



“TASDIQLAYMAN”
Nurafshon shahar Obodonlashtirish
boshqarmasi komissiya raisi
D.Xakimov
2022yil

Eng yaxshi taklifni tanlash bo'yicha

Xarid qilish xujjatlari

(Evalak MFY Iftixor ko'chasini ta'mirlash uchun)

1. Tanlov o'tkazish uslubi	Ball uslubi (eng yaxshi taklif tanlovi) uchun ishtirokchilar tomonidan elektron tarzda https://etender.uzex.uz/ portali orqali taqdim qilingan xujjatlarning texnik va narx qismlari komissiya a'zolari tomonidan sifat va ishonchliligi o'rganilib baxolanidi, eng yuqori ball to'plagan ishtirokchi g'olib bo'ladi.
2. Ishtirokchilar tomonidan takliflarini qabul qilish muddati	Ushbu e'lon portalga joylashtirilgan kundun boshlanib, portalda tugashi belgilangan sana va vaqtgacha
3. Tanlash xujjatlarini tayyorlash tili	O'zbek tilida va rus tilida
4. Bog'lanish uchun aloqa ma'lumotlari	Toshkent viloyati Nurafshon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi raxbari D.Xakimov
5. Byurtmachi manzili	Toshkent viloyati Nurafshon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi Manzil: Ko'chasi:
6. Бажариладиган иш	Evalak Mfy Iftixor ko'chasini ta'mirlash uchun jami boshlang'ich summa 485 000 000 (to'rt yuz sakson besh million) sumni tashkil qiladi.

Asosiy talablar

T/r	Talab nomi	Tasdiqlovchi xujjat
1	Tashkilotning Davlat idoralari ro'yxatidan o'tkazilganligi xaqidagi guvoxnoma mavjudligi	Guvoxnoma nusxasi
2	Tashkilotda faoliyat yurituvchi xodimlar soni (F.I.Sh. lavozimi xamda ish tajribasi xaqida to'liq ma'lumot, QR kodi bilan)	Ma'lumotnoma QR kodi bilan
3	Tanlov ishtirokchisining ish xaqi jamg'armasi va xodimlar o'rtacha soni bo'yicha ko'rsatkichlari (soliq qo'mitasidan ma'lumotnoma)	Soliq qo'mitasidan ma'lumotnoma
4	Ko'chalarni ta'mirlash uchun ruxsati borligi va litsenziyasi	Ma'lumotnoma tasdiqlangan xolda taqdim etilsin
5	Ko'chani ta'mirlashni o'z vaqtida bajarish to'g'risida kafolat xati	Kafolat xati
6	Soliq organidan soliq va boshqa majburiy to'lovlardan qarzdorligi mavjud emasligi to'g'risida ma'lumotnoma mavjudligi	Ma'lumotnoma olinganiga bir oydan oshmagan bo'lishi kerak

7	Bankdan kartotekada turmasligi to'g'risida ma'lumot asl nusxasi taqdim etilishi kerak	Ma'lumotnoma olinganiga bir oydan oshmagan bo'lishi kerak
8	Ta'mirlash ishlarini o'z muddatida bajarish to'g'risida rasmiy xat	Umumiy ishlar grafigi
9	Shunga uxshash ishlarni bajarganligi (oxirgi yillik ma'lumot)	Asoslovchi xujjat
10	Tanlov ishtirokchisi tomonidan korrupsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymasligi bo'yicha kafolat xatining mafjudligi	Kafolat xati

Taklifni rasmiylashtirishga doir talablar

Ishtirokchilar o'z taklifini elektron ko'rinishda <https://etender.uzex.uz/> portaliga elektron tanlovlar o'tkazish uchun joylashtirishi lozim.

Takliflarni baholash ma'zonlari va ko'rib chiqish tartibi

Ishtirokchilar qo'yilgan talablar uchun taqdim etilgan xujjatlariga, ya'ni texnik qismining miqdoriy ko'rsatkichlariga va narx qisminiing miqdori ko'rsatkichlari uchun umumiy 100 ball to'plashlari mumkin.

Eslatma: Texnik qisimdagi birorta talablarga javob bera olmasa ishtirokchilar tanlovdan diskvalifikatsiya qilinadi.

Ishtirokchilar bilan hisob-kitob tartibi.

G'olib bilan hisob-kitob milliy valyuta (so'm)da amalga oshiriladi. Tanlov g'olibiga shartnoma qiymati bir milliard so'mgacha bo'lsa 30%, undan yuqori bo'lgan taqdirda 15% (O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2021-yil 16-martdagi 139-sonli qaroriga asosan) miqdorida oldindan to'lov o'tkazib beriladi. Qolgan mablag' g'olib loyixa tashkiloti tomonidan tanlovga qo'yilgan Evalak MFY Iftixor ko'chasini ta'mirlash ishlari o'z vaqtida to'liq amalga oshirib berilganidan so'ng hisob-faktura asosida o'tkazib boriladi.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 132429 на приобретение asfaltlash

Способ проведения электронный

Дата 11.08.2022

Время рассмотрения 11.08.2022 18:22

Конкурсная комиссия Нурафшон шахар Ободонлаштириш бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SULTONOV KAMIL KUCHKAROVICH	Ободонлаштириш объектларини сақлаш бўлими бошлиғи	SULTONOV KAMIL KUCHKAROVICH
Секретарь комиссии	MIRZABEKOV SAKEN SAPAROVICH	бош мухандис	Нурафшон шахар Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ISLAMOVA SHOXISTA RUSTAMQULOVNA	кадрлар булими	Нурафшон шахар Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	SADIKOV TURABEK BAKIEVICH	хужалик мудир	Нурафшон шахар Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ABDUJAMILOV ASKAR ABDURAUFVICH	Ободонлаштириш объектларини сақлаш бўлими - мухандиси	Нурафшон шахар Ободонлаштириш булими
Член комиссии	MIRBABAYEVA MUYASSAR MARIPJANOVNA	иктисодчи бухгалтер	Нурафшон шахар Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.08.2022 года № лота 132429.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	open byudjet mablag'lari xisobidan shaxar xududidagi ichki ko'chalarni joriy ta'mirlash
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	490 781 000.00
Стартовая сумма	490 781 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 4-шакллар (34 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. Охирги йилда 100 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар)

мавжудлиги. Иш ҳақи фонди 150 млн. Сўм ва ундан юқори Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп. Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридagi айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО Геострой Престиж	34	466241484	21	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	34	34	28	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	34	Форма 2	31	Экспертная		
ООО PLATINIUM ROADS	34	Асосий воситалар тўғрисида балан ҳисоботи	30	Экспертная		

Критерий №2 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари (машина ва механизмлар) рўйхати, 5-шакл (20 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиха бажариш учун зарур бўлган, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) курилиш машина ва механизмларни мавжудлиги (ижара шартномаси асосида курилиш техникаларининг баллари 15% камайтирилади.)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО Геострой Престиж	20	466241484	14	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	20	20	15	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	20	Форма 5	17	Экспертная		
ООО PLATINIUM ROADS	20	ижара шартномаси	20	Экспертная		

Критерий №3 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси* 3-шакл (25 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- буюртмачи бошланғич нархининг 50%) сўмлик ва ундан кўп (ҳар бир йил 2 балл билан баҳоланади). Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО Геострой Престиж	25	466241484	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL ASFALT BROK	25	25	19	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	25	Форма 4	21	Экспертная		
ООО PLATINIUM ROADS	25	Энг яхши таклиф	25	Экспертная		

Критерий №4 VI. Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойихани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл 1-Илова (2 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги Объектни жамланма жадвали

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО Геострой Престиж	2	466241484	1	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	2	2	1	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	2	Форма 6	1	Экспертная		
ООО PLATINIUM ROADS	2	Курилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганилди	2	Экспертная		

Критерий №5 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1ва3-шакл (19 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлган мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошлиқлари ва мастерлар, хар бир ходим учун 1.5 балл) Ишлаб чиқариш техника бўлимида Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакали малакали ишчилар мавжудлиги. Ишчи ходимларни йиллик ўртача сони 10 кишидан кам эмаслиги Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимларидан 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО Геострой Престиж	19	466241484	11	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	19	19	14	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	19	Форма 1	15	Экспертная		
ООО PLATINIUM ROADS	19	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли	19	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		ходимлар				

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО Геострой Престиж	490 781 000.00	466 241 484.00 UZS	466 241 484.00	00.00	466 241 484.00	10.08.2022 09:02:12	14.53
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	490 781 000.00	451 518 520.00 UZS	451 518 520.00	00.00	451 518 520.00	11.08.2022 15:49:42	15.00
ООО IDEAL ASFALT BROK	490 781 000.00	485 382 915.00 UZS	485 382 915.00	00.00	485 382 915.00	11.08.2022 14:05:50	13.95
ООО PLATINIUM ROADS	490 781 000.00	485 000 000.00 UZS	485 000 000.00	00.00	485 000 000.00	11.08.2022 16:03:22	13.96

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО Геострой Престиж	52.7	14.53	67.23
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	72.25	15	87.25
ООО IDEAL ASFALT BROK	65.45	13.95	79.4
ООО PLATINIUM ROADS	81.6	13.96	95.56

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 132429 от 11.08.2022 года на приобретение asfaltlash определила победителем:

ООО PLATINIUM ROADS
308548925

и резервный исполнитель: ООО TASH ASPHALT BETON INVEST (308343778)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SULTONOV KAMIL KUCHKAROVICH	Согласен	
Член комиссии	ISLAMOVA SHOXISTA RUSTAMQULOVNA	Согласен	
Член комиссии	ABDUJAMILOV ASKAR ABDURAUFOVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRBABAYEVA MUYASSAR MARIPJANOVNA	Не согласен	684 sonli qonun talablariga mos emas

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар

ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи

Д.Хақимов

«11» август 2022 йил.



Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар ободонлаштириш бўлимининг

йиғилиш

баёни № 14

Раислик этувчи:

Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи
Д.Хақимов

Иштирок этдилар:

Ободонлаштириш бошқармаси бош
муҳандиси, бўлим бошлиқлари, , иқтисодчи
ҳамда мутахассислари.

Кун тартиби:

**Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар Эвалак МФЙ Ифтихор кўчасини
жорий таъмирлаш ишларини олиб боришда энг яхши таклифни танлаш**

*(К.Султонов, С.Мирзабеков, А.Маҳкамов, Ш.Исламова, Т.Садиков, А.Абдуҷамилов,
М.Мирбабаева)*

Кун тартибидаги масала юзасидан Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар Эвалак МФЙ Ифтихор кўчасини жорий таъмирлаш бўйича таклифларни ўрганиш ва танлаш бўйича Ободонлаштириш объектларини сақлаш бўлими бошлиғи К.Султонов ахборот берди. У ўз сўзида йиғилиш қатнашчиларига Молия вазирлиги томонидан очиқ бюджет бўйича ажратилган маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар Эвалак МФЙ Ифтихор кўчасини жорий таъмирлаш ишларини <https://xarid.uzex.uz/> махсус портали орқали энг яхши таклиф бўлимига белгиланган талабларга мувофиқ танлов ўтказилганини маълум қилди.

Танловда иштирок этиш учун “Геострой Престиж” МЧЖ, “IDEAL ASFALT BROK” МЧЖ, “TASH ASPHALT BETON INVEST” МЧЖ ҳамда “PLATINIUM ROADS” МЧЖлар иштирок этиб Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар Эвалак МФЙ Ифтихор кўчасини жорий таъмирлаш ишлари учун ўз таклифларини тақдим этдилар.

Тендер бўйича харид комиссиясининг Лот № 132429 сонли баённомаси асосида кўриб чиқилган таклифлар орасида “PLATINIUM ROADS” маъсулияти чекланган жамияти тақдим этган таклиф энг яхши ва сифатли бажарилишини инобатга олиб харид комиссияси бир овоздан танлов ғолиби деб таклиф маъқулланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб,

Кун тартибидаги масалалар бўйича Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар ободонлаштириш бўлими бошлиғи Д.Хақимов ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб муҳокамага якун ясади.


Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш қатнашчилари, **қарор қилади :**

1. Юқоридагиларни инобатга олиб “PLATINIUM ROADS” маъсулияти чекланган жамияти билан 485 000 000,0 (тўрт юз саксон беш миллион) сўмга шартнома тузилиши маъқуллансин.

2. Мажлис баённомаси қарори ижросини назорат қилиш ободонлаштириш бош ҳисобчиси зиммасига юклатилсин.


ИМЗОЛАР:

Комиссия раиси:



Д.Хақимов

Комиссия аъзолари:



С.Мирзабеков



А.Махкамов




К.Султонов



А.Абдужамиллов



Ш.Исламова




М.Мирбабаева



Т.Садиков

“TASDIQLAYMAN”
Nurafshon shahar Obodonlashtirish
boshqarmasi komissiya raisi
D.Xakimov



Nurafshon shahar Obodonlashtirish boshqarmasida tuzilgan maxsus ichki
komissiya yi-ilishining

3- sonli BAYoNNOMASI

Qatnashuvchilar

Komissiya a'zolari: komissiya raisi-D.Xakimov, komissiya a'zolari
S.Mirzabekov, Sh.Islamova, M.Mirbabaeva, A.Abdujamilov, komissiya kotibi-T.Sadikov

Kun tartibi:

Nurafshon shahar Obodonlashtirish boshqarmasiga led yoritgichlarini sotib olish.

So'zga chiqdi: komissiya raisi- D.Xakimov so'zga chiqib Nurafshon shahridagi Evalak MFY Iftixor ko'chasini ta'mirlash uchun 11.08.2022 yilda O'zbekiston Respublika tovar xomashyo birjasining maxsus elektron davlat xaridlari portaliga 132429-sonli tanlov e'loni joylashtirilganligini hamda tanlovning yakuniy natijasiga ko'ra eng maqbul taklifni MChJ "PLATINUM ROADS" berganligini ta'kidladi. Tanlov natijasi rasmiylashtirilgan 2-sonli bayyonnoma davlat xaridlari portaliga 19.08.2022 yilda ikki kunlik muxokamaga qo'yildi.

Ushbu bayyonomaga raqobatchi tashkilotlar tomonidan hech qanday e'tirozlar bo'lmadi.

Qaror qilindi:

Nurafshon shahar Obodonlashtirish boshqarmasiga Nurafshon shahridagi Evalak MFY Iftixor ko'chasini ta'mirlash uchun kelib tushgan takliflar ichida eng arzon va eng maqbul taklif MChJ "PLATINUM ROADS" tomonidan taqdim qilinganligi hamda raqobatchi tashkilotlar tomonidan hech qanday e'tirozlar bo'lmaganligi sababli o'rnatilgan tartibda qonun doirasida shartnoma imzolansin.

Komissiya a'zolari:

S.Mirzabekov

K.Sultonov

Sh.Islamova

M.Mirbabaeva

A.Abdujamilov

Komissiya kotibi:

T.Sadikov

Shartnoma №1-2022

Toshkent vil.

« 23 » avgust 2022 yil.

Nurafshon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan **nizom** asosida ish olib boradigan **D. Xakimov**, bundan keyin «Buyurtmachi» deb yuritiladi, bir tomondan va «**PLATINIUM ROADS**» MCHJ nomidan jamiyat Nizomi asosida ish olib boradigan direktor **M.Shermatov** bundan keyin «Pudratchi» deb yuritiladi, boshqa tomondan, quyidagilar bo'yicha ushbu Shartnomani tuzdi:

1. SHARTNOMANING MAVZUSI

1.1. «Buyurtmachi» buyurtma beradi, «Pudratchi» esa quyidagi ob'ektda ta'mirlash ishlarini bajarishni o'z zimmasiga oladi: **Toshkent viloyati Nurafshon shahar Evalak MFY Iftixor ko'chasini .joriy ta'mirlash ishlarini bajarish.**

1.2. «Buyurtmachi» ushbu ishlarni qabul qilish va o'z vaqtida haq to'lash majburiyatini zimmasiga oladi.

2. SHARTNOMA QIYMATI

2.1. «Pudratchi»ga buyurtma asosida topshirilayotgan barcha ishlarning qiymati O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-son qarori bilan tasdiqlangan «Ob'ektlarni qurish qiymatini Shartnomaviy joriy narxlarda belgilash tartibi to'g'risida vaqtinchalik nizom» asosida va O'zRVMning 54-son qarori bilan tasdiqlangan «Mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlarining tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to'g'risida nizom» asosida belgilanadi.

2.2. Loyiha-smeta hujjatlari asosida barcha buyurtma qilingan ishlarning qiymati: **QOS bilan 485 000 000,0(To'rt yuz sakson besh million) so'm** ni tashkil etadi.

3. ISH BAJARILISHI MUDDATLARI

3.1. Barcha topshirilgan ishlar ish jadvalida ko'zda tutilgan muddatlarda amalga oshiriladi.

3.2. Ishni boshlash va tugatish uchun quyidagi sanalar belgilanadi:

Boshlanishi - bank hisob varag'iga oldindan to'lov kelib tushgan kundan boshlab;

Tugatish - «31» dekabr 2022 yil.

3.3. Agar ish jarayonida ta'mirlash vaqtini va ish hajmini jadvalga muvofiq o'zgartirish zarurati tug'ilsa, unda bunday o'zgarishlar tomonlarning kelishuvi bilan amalga oshirilishi va Shartnomaga Qo'shimcha kelishuv bilan rasmiylashtirilishi kerak.

4. TO'LOV SHARTLARI

4.1. Ushbu Shartnoma bo'yicha «Pudratchi»ga barcha to'lovlar O'zbekiston Respublikasining milliy valyutasi - **so'mda** amalga oshiriladi.

4.2. To'lov shartlari:

- «Buyurtmachi» «Pudratchi»ga ushbu Shartnomaning Shartnoma qiymati miqdorining 30%ni avans shaklida to'laydi;

- Qolgan 70% to'lovni ushbu Shartnoma bo'yicha «Buyurtmachi» «Pudratchi» tomonidan taqdim etilgan hisobvaraqlar asosida amalga bajarilgan ish hajmlari uchun to'laydi.

4.3. «Pudratchi» tomonidan bajarilgan ishlar miqdori bo'yicha barcha oylik to'lovlar «Buyurtmachi» tomonidan taqdim etilgan fakturalardagi joriy narxlar bo'yicha amalga oshiriladi. «Buyurtmachi» har oyda bajarilgan ish hajmiga mutanosib ravishda avans to'lovining tegishli ulushini ushlab qoladi. «Pudratchi» tomonidan bajarilgan ishlar uchun hisob-faktura «Buyurtmachi» tomonidan hisobot oyining 25-kunigacha so'zsiz imzolaniadi.

4.4. Joriy to'lovlarni amalga oshirish hisobot oyida bajarilgan ishlar uchun hisob-fakturalar imzolanganidan keyin 7 (etti) kalendar kun ichida amalga oshiriladi.

4.5. Ishlarni qabul qilish tomonlarning vakolatli vakillaridan iborat komissiya aktiga binoan amalga oshiriladi. Bajarilgan ishlarda nuqsonlar, loyihadan chetga chiqish, kamchiliklar va h.k. topilsa, ular Aktda aks ettiriladi va «Pudratchi»ga aniq muddat, lekin dalolatnoma imzolangan kundan boshlab 10 kundan ortiq bo'lmagan vaqt davomida aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish majburiyati yuklanadi.

4.6. Ushbu Shartnoma bo'yicha yakuniy to'lov aslida bajarilgan va qabul qilingan ish turlari va hajmlari uchun amalga oshiriladi.

5. PUDRATCHINING MAJBURIYATLARI

5.1. «Pudratchi» Shartnoma bo'yicha buyurilgan ta'mirlash-qurilish ishlarini bajarish majburiyatini o'z zimmasiga oladi.

5.2. «Pudratchi» ta'mirlash va qurilish ishlarini - ish jarayonidagi qo'shimchalar va o'zgarishlarga muvofiq qo'shimcha muddatlarda bilan birga - ish jadvalida belgilangan muddatlarda bajarilishini ta'minlaydi.

5.3. «Pudratchi» Shartnoma doirasida o'z kuchi va vositalari bilan materiallar va mahsulotlarni tushirish, qabul qilish, saqlash, taqsimlash va tashishni amalga oshiradi.

5.4. «Pudratchi» ish paytida qurilish maydonchasida zarur bo'lgan yong'inga qarshi choralar va mehnat xavfsizligi choralari amalga oshirilishini ta'minlaydi.

5.5. «Pudratchi» loyiha-smeta hujjatlarini olgandan keyin 3 kun ichida ish jadvalini taqdim etadi, ta'mirlash va qurilish ishlari o'z vaqtida va sifatli bajarilishini ta'minlaydi.

5.6. «Pudratchi» ishlarni tasdiqlangan loyihalar, imzolangan hujjatlar, chizmalar va smetalarga muvofiq, amaldagi qurilish me'yorlari va qoidalariga, shuningdek bajarilgan ishlarni ishlab chiqarish va qabul qilish qoidalariga muvofiq amalga oshirilishini kafolatlaydi va ekspertizani "Shaxarsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK dan o'tlazilishi shart.

6. BUYURTMACHINING MAJBURIYATLARI

6.1. «Buyurtmachi» ish boshlanishidan oldin tasdiqlangan tartibda, loyiha-smeta hujjatlari, agar «varaqqan» bo'lsa - kerakli miqdordagi chizmalarni «Pudratchi»ga o'tkazadi. «Buyurtmachi» ish boshlanishidan oldin «Pudratchi»ga ish hajmini taqdim etadi va ularni amalga oshirish jarayonida tasdiqlangan smetani «Pudratchi»ga taqdim etadi.

6.2. «Buyurtmachi» «Pudratchi»ga ishni bajarish uchun kelishilgan ta'mirlash maydonini taqdim etadi.

7. TOMONLARNING JAVOBGARLIGI

7.1. Ushbu Shartnoma bo'yicha majburiyatlarni bajarmagan yoki lozim darajada bajarmagan taqdirda, «BUYURTMACHI» va «PUDRATCHI» O'z.Rning «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining Shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi Qonuniga muvofiq mulkiy javobgarlikni o'z zimmlariga oladilar.

7.2. Tayyor holdagi ob'ektni qabul qilishni kechiktirgani uchun «BUYURTMACHI» «PUDRATCHI»ga har bir kechikkan kun uchun asosiy Shartnoma narxining 0,1% miqdorida, lekin Shartnoma miqdorining 50 foizidan ko'p bo'lmagan miqdorda jarima to'laydi.

7.3. Moliyalashtirishni 20 kundan ko'proqqa kechiktirgani uchun - «BUYURTMACHI» «PUDRATCHI»ga har bir kechikkan kun uchun eng kam ish haqining 0,1% miqdorida jarima to'laydi.

7.4. Ob'ekt qurilishining o'z vaqtida bajarilmaganligi uchun «PUDRATCHI» «BUYURTMACHI»ga har bir kechiktirilgan kun uchun asosiy Shartnoma narxining 0,4% miqdorida jarima to'laydi.

7.5. Ishdagi nuqsonlar va nuqsonlarni bartaraf etish kechiktirilganligi uchun «PUDRATCHI» «BUYURTMACHI»ga har bir kechikkan kun uchun eng kam ish haqining 1 barobari miqdorida jarima to'laydi.

7.6. Buyurtmachi bajarilgan ishni qabul qilish jarayonida smetaga muvofiq xolda tegishli taftish tashkiloti orqali qabul qilish xuquqiga ega.

8. YENGIB BO'LMAS KUCH SHARTI (FORS-MAJOR)

8.1. Hech bir tomon boshqa tomon oldida e'lon qilingan yoki amaldagi urush, fuqarolik tartibsizliklari, epidemiyalar, embargo, blokadalar, zilzila, toshqinlar, yong'inlar va boshqa tabiiy ofatlar sababli vujudga kelgan kechikishlar yoki etkazib berilmagan xizmatlar uchun javobgar bo'lmaydi.

8.2. Tegishli savdo-sanoat palatasi yoki boshqa vakolatli organ tomonidan berilgan sertifikat fors-major holatlarining mavjudligi va davomiyligi to'g'risida etarli dalildir.

8.3. O'z majburiyatlarini bajarmagan tomon boshqa tomonga to'siq va uning Shartnoma bo'yicha majburiyatlarining bajarilishiga ta'siri to'g'risida ogohlantirishi kerak.

8.4. Agar fors-major holatlari ketma-ket olti oy davomida amal qilgan bo'lsa va bekor qilish alomatlari ko'rilmasa, ushbu Shartnoma «BUYURTMACHI» va/yoki «PUDRATCHI» tomonidan boshqa tomonga bildirishnoma yuborish orqali bekor qilinishi mumkin.

9. KORRUPSIYAGA QARSHI SHARTLASHUV

9.1 Ushbu shartnomaning har bir tomoni o'ziga nisbatan qo'llaniladigan barcha shu jumladan O'zbekiston Respublikasi amaldagi qonunchilik va normativ hujjatlaridagi Korruptsiyaga qarshi tegishli shartlar va talablarni tushunishi xaqida bir-birini ishoniradi va ularga amal qilishini kafolatlaydi. Istemolchi ushbu shartnoma amalda bo'lgan butun davr moboynda u (shuningdek uning mansabdor shaxslari, direktori, xodimlari, agentlari va boshqa vakillari). Taminotchi korxonaning hamda O'zbekiston Respublikasi amaldagi qonunchilik va normativ hujjatlarining Korruptsiyaga qarshi tegishli shartlari va talablariga qat'iy rioya etish majburiyatini oladi.

10. TORTISHUVLARNI HAL QILISH TARTIBI

10.1. «BUYURTMACHI» va «PUDRATCHI» ushbu Shartnomadan kelib chiqadigan yoki u bilan bog'liq barcha nizolarni va kelishmovchiliklarni do'stona tarzda hal qilish uchun barcha choralarni ko'radi.

10.2. Agar tomonlar kelishuvga erisha olmasalar, u holda Umumiy yurisdiksiya sudi vakolatidan tashqari barcha sud nizolari va kelishmovchiliklar, ushbu sud ish yuritish qoidalariga muvofiq, iqtisod sudida hal qilinadi.

11. SHARTNOMANI O'ZGARTIRISH VA BEKOR QILISH TARTIBI

11.1. Shartnomaga kiritilgan barcha o'zgartirishlar va qo'shimchalar faqat yozma ravishda tuzilgan va ikkala tomon imzolagan taqdirda kuchga ega bo'ladi.

11.2. Shartnomani muddatidan oldin bekor qilish tomonlarning kelishuviga binoan yoki O'zbekiston Respublikasi hududida amaldagi fuqarolik qonunchiligida nazarda tutilgan asoslarda, etkazilgan zararni qoplash bilan amalga oshirilishi mumkin.

11.3. «BUYURTMACHI» quyidagi hollarda Shartnomani bekor qilishga haqlidir:

- Shartnomada belgilangan qurilishni tugatish muddati bir oydan oshganida «PUDRATCHI» tomonidan uning aybi bilan qurilish jarayonining kechikishi;

- «PUDRATCHI» tomonidan Shartnoma shartlarini buzilishi natijasida loyihada ko'zda tutilgan ish sifatining pasayishi.

11.4. «PUDRATCHI» quyidagi hollarda Shartnomani bekor qilishga haqlidir:

- «BUYURTMACHI» tomonidan qurilish-montaj ishlarining bajarilishini «PUDRATCHI» ixtiyoriga bog'liq bo'lmagan sabab bilan o'n kundan ortiq muddatga to'xtatib qo'yishi;

- «BUYURTMACHI» tomonidan loyiha hujjatlariga o'zgartirishlar kiritilishi sababli qurilish narxining 50% dan ortiqqa pasayishi;

- «BUYURTMACHI» tomonidan qurilishni moliyalashtirishni davom ettirish imkoniyatini yo'qotish.

11.5. «BUYURTMACHI» va «PUDRATCHI»ning birgalikdagi qarori bilan Shartnoma bekor qilingandan so'ng tugallanmagan qurilish «BUYURTMACHI»ga o'tkaziladi, u «PUDRATCHI»ga u tomonidan amalda bajarilgan va birgalikda kelishilgan ish haqi miqdorini to'laydi.

11.6. Shartnomani bekor qilishga qaror qilgan tomon boshqa tomonga yozma ravishda xabar yuboradi.

12. O'ZGA SHARTLAR

12.1. Ob'ektning normal ishlashi va unga kiritilgan muhandislik tizimlari, uskunalari, materiallari va ishlarining kafolat muddati tomonlar tomonidan ob'ektning qurilishi tugallanganligi uchun qabul qilish dalolatnomasi imzolangan kundan boshlab 12 oy davomida belgilanadi. Bunda uchinchi shaxslar tomonidan qasddan zarar etkazish holatlari istisno etiladi.

12.2. Agar kafolat muddati davomida, ular bartaraf etilgunga qadar ob'ektning normal ishlashiga imkon bermaydigan kamchiliklar aniqlansa, kafolat muddati kamchiliklarni bartaraf etish davriga uzaytiriladi. Kamchiliklarni bartaraf etish «PUDRATCHI» tomonidan o'z mablag'lari hisobidan amalga oshiriladi.

12.3. Kamchiliklarning mavjudligi va ularni yo'q qilish muddati tomonlarning ikki tomonlama imzolangan Akt bilan belgilanadi.

12.4. Agar tomonlardan biri bajarilgan ish aktini tuzishdan yoki imzolashdan bosh tortsa, tomonlar bajarilgan ishning qiymati va sifatini tasdiqlash uchun malakali ekspertizani jalb qilishadi va tegishli dalolatnoma tuzishadi. Ushbu dalolatnoma iqtisodiy sudga shikoyat berish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

12.5. «PUDRATCHI»ning aybi bilan ob'ektni qurilishi natijasida uchinchi shaxsga etkazilgan zarar «PUDRATCHI» tomonidan, «BUYURTMACHI»ning aybi bilan esa - «Buyurtmachi» tomonidan qoplanadi.

12.6. Ushbu Shartnoma teng yuridik kuchga ega ikki nusxada tuzilgan bo'lib, tomonlarning har biriga bitta nusxadan berilgan.

12.7. Ushbu Shartnomaning amal qilish muddati imzolangan kundan 2022 yil 31 dekabr gacha.

13. TARAFLARNING MANZILLARI VA TAFSILOTLARI

«BUYURTMACHI»

“BAJARUVCHI”

Nurafshon shahar Obodonlashtirish
boshqarmasi

Adres: Uyg'ur milliy Yashilik ko'chasi
R/S: 2340 2000 3001 0000 1010
Bank: Toshkent shahar Markaziy bank BBXKKM
INN: 207 268 330
Tel: _____

Xakimov



«PLATINIUM ROADS» MCHJ

Adres: Beshqayrag'och 3-tor ko'chasi, 5-uy
R/S: 2020 8000 1053 9838 6001
INN: 308 548 02 OKED: 42 110
Bank: DAVIR BANK Yunusobod filiali
Tel: 98 146 94 49

M. Shermatov





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
NURAFSHON SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
11515, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi,
el pochta: nurafshonyurmarka24@adliya.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RI SID A HUQUQIY XULOSA

№ NW41656876

1. Loyi haning turi:

Ichki buyruq.

2. Loyi haning nomi:

1-2022-sonli shartnoma tuzish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Nurafshon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan "PIATINUM ROADS" MCHJ bilan shaxar xududida asfritlash ishlarini amalga oshirish uchun shartnoma loyihasi 2022-yil 23-avgust kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Nurafshon shahar yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti
3-darajali yurist**



SH.A.Abduvaliev